

Синонимлар таржимасининг лингвопоэтик таҳлили

(Немис-ўзбек тиллари мисолида)

Арабов Ў.О.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари “Тинчлик Йўлида Ҳамкорлик”

Маркази Роман-герман тиллари кафедраси катта ўқитувчи

ural.arabov@mail.ru, тел. 998977367680

Аннотация: Ушбу мақолада синоним сўз ва турғун бирикмаларнинг хорижий тилларни билишдаги ўрни, немис тилидаги синонимларни ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммолар ҳамда бир хил маъно англатувчи сўзлар қиёсий аспектда имкон қадар лингвопоэтик таҳлил қилинган. Жумладан, синонимия ходисасининг тил ривожидаги ўрнига қисқача тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: синоним, синонимия ходисаси, сўз туркumlари, маъно англатиш, турғун бирикма, лингвопоэтик, таронаи рубои, бадиий колорит.

Аннотация: В данной статье проведен лингвопоэтический анализ роли синонимический сравнительный анализ синонимов и устойчивых сочетаний, их места в изучении иностранных языков, проблем перевода синонимов немецкого языка на узбекский язык.

Ключевые слова: синоним, явление синонимии, часть речи, значение слов, устойчивое сочетание, лингвопоэтическое, таронаи рубаи, художественный колорит.

Annotation: This article provides a linguistic and poetic analysis of the role of synonymous comparative analysis of synonyms and fixid expression, their place in the study of foreign languages, the problems of translating synonyms of German into Uzbek.

Keywords: synonym, phenomenon of synonymy, part of speech, meaning of words, fixed expression, linguopoetic, taronai rubai, artistic flavor.

Хорижий тилларни ўрганиш турли даврларда муҳим аҳамият касб этган. Шу маънода кейинги йилларда жаҳонда интеграциялашув жараёнининг жадаллашуви хорижий тилларга бўлган эҳтиёжни янада оширди. Чунки бирор чет тилини мукаммал эгаллаш, инсонлар ҳаётида катта имкониятларни пайдо қилмоқда. Ҳар бир тилнинг ўзига хос ҳусусиятлари бўлгани боис, хорижий тилларни ўрганишда уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Акс холда, мулоқат жараёнида турли ҳил тушунмовчиликлар пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Хорижий тилларни ўрганишда, ҳалқларнинг урфодатлар, санъат ва маданият элементлари, мақоллари, турли ҳил жойларда ва маъросимларда ўзини тутиш шакллари, грамматик қоидадан ташқари холатлар, сўзларнинг асл луғавий маъносини яхши ўзлаштириш ҳамда сўзлардаги бир ҳил маънони англатиш ҳусусиятларини тўғри талқин қилиб мулоқат жараёнида синонимларни аниқ қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Немис тилининг Duden. Das große Wörterbuch der deutschen Sprache луғат китобида синонимия тушунчасига “ўзаро маънодош, лексик маъно жиҳатдан ўхшаш ва бир ҳил маъноли икки ва ундан ортиқ сўзлардир. Синоним сўзи грекча (*synonymos*, *syn* - бирга, бир ҳил ва *onoma* - ном, маъно) сўзидан олинган бўлиб, бир ҳил маъноли сўз демакдир”¹ деб таъриф берилган. Ушбу луғатда синоним сўзига “бир ҳил маънони англатувчи, лекин луғавий маъно ва нутқда қўлланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи бир ҳил бўлакдаги сўзлардир. Тилдаги синонимлар тизимли характерга эга бўлган сўз ва иборалар туркумини ташкил қиласи”. деган таъриф ҳам келтириб ўтилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида синоним сўзига “Синоним [грек] тилидан келиб чиқсан бўлиб, товуш состави, талаффузи жиҳатдан бошқа-бошқа, аммо маъноси бир, ўхшаш ёки жуда яқин сўзлардан бири”² деб изоҳ берилган.

Синонимлар тилдаги барча сўз туркumlарида мавжуд бўлиб, хорижий тилларни ўрганувчилар уларнинг нозик жиҳатларини ҳам яхши ўзлаштирган

¹Duden «Das große Wörterbuch der deutschen Sprache»: in 8 Bänden/hrsg. und bearb. vom Wissenschaftlichen Rat und den Mitarbeitern der Dudenredaktion unter der Leitung von Günter Drosdowski. Band 7. DUDENVERLAG, – Mannheim- Leipzig-Wien-Zürich, 1995. – Seite [3332]

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томлик, 2 том “Рус тили” нашриёти, – Москва, 1981. – Б.[52]

бўлишлари керак. Масалан, немис тилида от сўз туркумидаги “*die Gelegenheit*- имконият” сўзининг “*die Möglichkeit*” ҳамда француз тилидан ўзлаштирилган “*die Chance*” каби шу маънога эга бўлган синонимлари мавжуд бўлиб, улар бир бирининг ўрнида қўлланиши мумкин. Бироқ аксарият холларда, айниқса турғун бирикма ёки мақолларда юқоридаги принцип (қарааш)ни қўллаб бўлмайди. Масалан, “*die Gelegenheit beim Schöpfe fassen* (*packen*)/*die Chance ergreifen* (*erwischen*) — имкониятдан фойдаланмоқ” ёки “*Gelegenheit verpassen*/*seine Chance verspielen*/-имкониятни қўлдан чиқармоқ”. Ушбу бирикмаларда имконият “*die Gelegenheit*” ва “*die Chance*” сўzlари турли хил феъллар билан қўлланилгани туфайли ўзларининг синонимлик хусусиятларини йўқотади. Жумладан, “*Ist es die Möglichkeit! – Мана зўр имконият! Ана бўлмаса! Бунақа имконият бошика бўлмайди!*”. Бу сўзлар бирикмасида гап охирига ундов белгиси қўйилган. Немис тили грамматикаси қатъий қоидаларига кўра мазкур гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилиши лозим эди. Бироқ немис бадиий адабиётида шундай бирикмалар кўплаб учрайдики, уларни фақат контекстдан келиб чиқиб таржима қилиш керак бўлади. Бундай холат айниқса халқ мақолларида кўп учрайди. Жумладан, немис тилида фаол ишлатиладиган “*Gelegenheit macht Diebe.*” мақолини олайлик. Мазкур немис тилидаги мақолни таржима қилиш учун, унинг ўзбек тилидаги мазмун-моҳиятни тўлиқ очиб берадиган вариантини топиш зарур бўлади. Шу маънода ушбу немис тилидаги мақолнинг ўзбек тилидаги “*Ўзинга эхтиёт бўл, қўшинингни ўгри тутма.*” мақоли адекват бўлаолади. Кўриниб турганидек, асл нусхадаги “*die Gelegenheit*-имконият” сўзи таржимада кўринмайди.

Синонимлар феъл сўз туркумida ҳам кенг қўлланилади. Чунончи, немис тилидаги *brauchen*, *benötigen*, *bedürfen*, *nötig haben*, *benutzen*, *nutzen* феълларини олайлик. Бу сўзлар ўзбек тилида куйдагича жаранглайди, яъни фойдаланмоқ, ишлатмоқ, мухтож бўлмоқ. Мазкур феъллар ишлатилиш жараёнида контекстдан келиб чиқиб, ўзларининг мазмун-моҳиятини

ўзгартириш холлари ҳам учрайди. Бунга қуидаги мисолларни келтириш мумкин. *Wir brauchen einen Kuli.* – *Бизга ручка керак.* Ушбу гапда “*brauchen*” феъли предметга муҳтожликни билдирса, *Wir benutzen einen Kuli.*, гапидаги “*benutzen*” феъли предметдан фойдаланилаётганликни англатади. Юқоридаги биринчи маънони ифодалаш учун гапни, *Wir möchten (wollen) einen Kuli benutzen.*, шаклида ифодаланиши керак бўлади.

Немис тилидаги “*schön – чиройли*” сифатига матн маъносидан келиб чиқиб аксарият холларда “*hübsch*” ёки “*gut*” сифатлари синоним бўла олади, дейиш мумкин. *ein schönes Wetter*, бирикмасига *ein gutes Wetter* бирикмаси тўлиқ синоним бўлаолади. Бу ерда “*schön*” ва “*gut*” сифатларини “*ажойиб*” ва “*яхши*” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолатда “*hübsch*” сифатидан фойдаланиш нотўғри бўлаган бўлар эди. Аммо “*eine schöne Frau*” бирикмасига “*eine hübsche Frau*” брикмаси бадий поэтик жиҳатдан синоним бўлаолади. Билакс немис тилидаги “*gut*” сифати бу ерда қўлланилса маъно ўзгариб қолади. Ушбу мисолларда “*schön*” ва “*hübsch*” сифатлари аёллардаги жозибали ташқи кўринишни ифодаласа, уларнинг ўрнига “*gut*” сифати қўлланилса ҳарактерни ифодалаган бўлади. Бундай мисолларни бадий адабиётда ҳам қўплаб учратиш мумкин. А. Навоийнинг “*Кўз бирла қошинг яхши, қобогинг яхши,*” деб бошланадиган машҳур таронаи рубоисидаги “*яхши*” радифи Йўлдош Парда ва Нора Пфефферларнинг немис тилига таржимасида, “*Deine Augen und Brauen sind gut, die Augenlider sind gut,*” деб таржима қилинган бўлса, таниқли можор туркологи Янош Экман, “*Deine Augen und Brauen sind schön, deine Augenlider sind schön,*” шаклида таржима қилган. Филология фанлари доктори, профессор Ровияжон Абдуллаева ўзининг “Немис-ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиш, тараққиёт босқичлари ва илмий асослари” номли докторлик диссертациясининг авторефератида юқоридаги таржималарни лингвопоэтик таҳлил қилган. У бу ерда Я. Экман “*яхши*” радифи ўрнига “*чиройли, гўзал, ажойиб*” маъноларини берадиган “*schön*” сўзини танлаб, поэтик оҳангни яратган. Немис поэзиясида “*gut-яхши*” доим ҳам аёл гўзалигини ифодалаб,

күтаринки оҳангни беравермайди, эстетик жиҳатдан бадий таъсир қуввати кам.”³ деб таъкидлаб ўтган. Ушбу ўринда Ровияжон Абдуллаева асл нусхадаги “яши” радифи ўрнига Й. Парда, Н. Пфеффер ҳамда Я. Экманларни чэтлаб ўтиб, немис тилида инсон ташқи гўзаллиги, айнан, аёлнинг ташқи ва ички гўзаллигини тўлиқ очиб берадиган “*hübsch-гўзал*” сўзини танлаган. Ва ушбу таронаий рубоийнинг ўгирмаси “*Deine Augen und Brauen sind hübsch, deine Augenlider sind hübsch,*” шаклида жаранглайди. Дархақиқат, бизнинг фикримизча, аёлнинг том маънодаги гўзаллигини тасвирлашда немис тилидаги “*hübsch*” сифати кўпроқ мос келади. Эҳтимол, хазрат Навоийнинг даври мумтоз адабиётда “яши” лексикаси бадий колорит жиҳатдан таъсирли бўлган бўлиши мумкин. Сўзларнинг маъно англатишига даврлар силсиласи ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Тил даврлар оша бойиб боради. Бу жараёнда айрим сўзлар маъно англамлари камайиб, эскириб истеъмолдан чиқиб кетиши ёки билакс кучайиб кетиши мумкин. Айнан мана шу ўринда тилдаги синонимия ҳодисасининг ҳусусиятларини яққол кўриш мумкин.

Дарвоқе бундай мисолларни равиш сўз туркумida ҳам учратиш мумкин. Масалан, немис тилидаги “*da*” сўзи рус ва ўзбек тилларига “*Tum-shu erda, y erda, bu erda, shu жойда, бунда, шунда. Там-y erda ўша ерда, ўша жойда, унда. Здесь-бунда, бу ерда, шу ерда. в это время-бу пайтда (вақтда), ўшандা*”⁴ деб таржима қилинган. Юқоридаги таржималар матндан маъносидан келиб чиқиб, ўзбек тилидаги ўгирмаларга тўлиқ мос келади. Немис тилидаги “*da*” равишига “*hier- бу ерда, шу ерда*” ёки “*dort-y ерда*” равишилари синоним бўлаолади. Мисол қилиб, *Da arbeitet ein erfahrener Lehrer. Hier arbeitet ein erfahrener Lehrer.*, каби содда гапларнинг таржимасини олиб кўрайлик. Ушбу гапларда “*da*” ва “*hier*” равишилари ўзбек тилига “*бу ерда, шу ерда*” деб ўгирилади. Яъни, *Бу ерда (Шу ерда) тажирбали ўқитувчи ишлайди.*, деб таржима қилиш мумкин. Аммо, *Da*

³Абдуллаева Равияжон. Немис ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ва илмий асослари. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021. – Б.[26-37]

⁴ Русско-узбекский словарь. гос. изд. во иностранных и национальных словарей. – Москва, 1954. – С. [242, 854, 882]

arbeitet ein erfahrener Lehrer. Dort arbeitet ein erfahrener Lehrer., гапларини, Уерда тажирбали ўқитувчи ишлайди., деб таржима қилинса тўғри бўлади. Немис тилидаги “da” равишининг “бу пайтда (вактда), ўшанда” маъносини берадиган таржимаси, албатта, контекстга боғлиқ бўлади. Маслан, *Der erfahrene Lehrer hat fünf Jahre gearbeitet. Da habe ich auch gearbeitet.* Иккинчи гапдаги “da” сўзи биринчи гапдаги “fünf Jahre” жумласи англатаётган маънони очиб беради. Юқоридаги гаплар, *Тажирбали ўқитувчи беши йил ишлади. Ўшанда мен ҳам ишлаганман*, деб таржима қилинади.

Тилдаги синонимия ҳодисаси ва синонимлар кўплаб тилшунослар томонидан тадқиқ қилинган ва бу ҳақда монографиялар эълон қилинган. Жумладан, рус лингвисти Р.А. Будаговнинг фикрича “Синонимларда энг муҳим нарса турли хил маъно тусларини ифодалашдир”⁵. К.В.Архангелская эса “синонимлар ўртасида микдорий-сифат муносабатларининг мавжуд”⁶ лигини кўради. Шунингдек В.Н.Циганова рус тилидаги феълларда синонимларни маъно соялари бўйича ажратиб турадиган, ҳаракатнинг интенсивлик даражаси, мақсадлиликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги каби ҳусусиятларни таъкидлаб ўтган бўлса, А.П.Евгенева синонимлар сўзловчининг субъектив баҳо бериши учун хизмат қилишини тушунтириб берган.

Мазкур мақолада, ҳусусан синонимлар таржимаси жараёнидаги қуйидаги муаммоларга қисқача тўхталиб ўтилди:

1. Турғин бирикмали синонимлар таржимасидаги муаммолар;
2. Феъл синонимлар таржимасининг матнда бошқа маъно англатиши масалалари;
3. Сифат ва равиш синонимлар таржимаси жараёнига таъсир кўрсатувчи кўп маънолиликнинг контекстдаги роли;
4. Тил ривожи жараёнида синонимия ҳодисаси.

⁵ Р.А. Будагов. Синонимический ряд (на материале глаголов). – М.; Л., 1966.

⁶ К.В. Архангелская. Равнозначные синонимы немецкого языка.-Ученые Записки/ Моск. гос. пед. ин-тут. ин. яз. им. М. Тореза, 1958.

Хулоса шуки, синонимларнинг бундай хусусиятлари хорижий тилларни ўрганаёган ўқувчиларда кўплаб саволлар ўйғотиши табиий. Зеро, синоним сўзлар ўзлаштирилганликларига қарамасдан, аксарият ҳолларда, амалий фойдаланиш жараёнида қийинчиликларга дуч келиш ҳоллари кузатилмоқда. Бунда, албатта, ўқитувчининг педагогик компетенцияси қай даражада шаклланганлиги қўл келади. У синонимларни тушунтиришда айниқса тили ўрганилаётган халқ вакилларининг жонли сұхбатлари, бадиий адабиётлар, Оммавий Ахборот Воситалари ҳамда бадиий фильмлардаги фаол маълумотлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Замонавий технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги тилимизда синонимларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса, тилшунослик илмида зарурият ҳисобланиб, айни пайтда долзарблик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Равияжон. Немис ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ва илмий асослари. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021.
2. Архангельская К.В. Равнозначные синонимы немецкого языка.
– Учёные Записки/ Моск. гос. пед. ин-тут. ин. яз. им. М. Тореза, 1958.
3. Апресян Ю.Д. Проблема синонима. Вопросы языкоznания.
– Москва, 1964.
4. Будагов Р.А. Синонимический ряд (на материале глаголов).
– М.; Л, 1966.
5. Большой немецко-русский словарь. Издательство “Русский язык”
– Москва, 1980.
6. Гутнер Г.Б. – Синонимия /Гуманитарный портал: Концепты [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий, 2002–2023 (последняя редакция: 08.12.2023). URL: <https://gtmarket.ru/concepts/7061>
7. Duden «Das große Wörterbuch der deutschen Sprache»: in 8 Bänden/hrsg.

und bearb. vom Wissenschaftlichen Rat und den Mitarbeitern der Dudenredaktion unter der Leitung von Günter Drosdowski. Band 7. DUDENVERLAG, – Mannheim-Leipzig-Wien-Zürich, 1995.

8. Langenscheids. Taschen-wörterbuch. Russisch. Langenscheids. – Berlin-München-Warschau-Wien-Zürich-New-York, 2003.

9. Латышев Л.К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. – М., 1988.

10. Осипов С.И. Словарь русского языка. “Русский язык” – Москва, 1987.

11. Русско-узбекский словарь. гос. изд.во иностранных и национальных словарей. – Москва, 1954.

12. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томлик, 2 том “Рус тили” нашриёти, – Москва, 1981.